

ТОНТ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 31 (66006)
1997 йил, 23 апрель, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

БИЛИМЛИГА ДУНЁ КЕНГ



Алишер ўқишга жуда эрта меҳр қўйди-да. Тенгқурлари билан варрак учириб, велосипед миниб, юрадиган пайтида бирданига 3-синф ўқувчиси бўлди.

Хаёли ўқишда, қўли буш қолди дегунча, дарс қилишга утиради. Онаси Ибодат опа ўғлидаги

Масъулият

КИТОБ— ҲАММАГА УСТОЗ

Эрталаб синфга кирсам, дугоналарим ниманидир муҳокама қилишадиган экан. Азбаройи қизишганларидан кириб келганимни сезишмади ҳам. Бунақа одатлари йўқ эди-ку? Дарров ҳол-аҳвол суриштишарди. Нима бўлдикин, уларга?

— Ҳалима опанинг кутубхонаси очик қолган экан. Кимлардир кириб, китобларни ташиб кетганмиш, — деди Нафиса. Айтишларича, уша куни Ҳалима опа онаси касал бўлгани учун урнига қизини қолдириб кетган экан. Нима қилиш керак? Ҳалима опага ердам бергимиз келарди.

Маслаҳатлашиб, энг аввал, китобсевар тенгдошларимиз руйхатини тузиб чиқдик. Ҳар кимдан ҳимматига яраша маълум миқдорда пул жамғардик. Қандай китоблар йўқолганини аниқлаб, биз ахтарган китоблардан 50 тасини сотиб олдик. Яна 35 китобни дугоналарим ўз уйларидан келтириб беришди. Мен эса, дадамдан рухсат олгач, 20 та китоб қўшдим.

Тил ва адабиёт ўқитувчимиз биздан ҳам кўпроқ қуюнди. У киши ўз жамғармаларидан 550 сум пул ва яна 20 та бадий китобни кутубхонага топширдилар. Булар нега бунча қайгуришади? Ахир, кутубхона мактабники эмас-ку, дейдиганлар ҳам бўлди. Аммо биз бунга лоқайд қариб туролмасдик. Чунки китоб ҳаммани баҳраманд этадиган хазина.

Ш. МУКИМОВА,
Бухоро вилояти,
Шофиркон туманидаги
Очил Жўраев номли
мактаб ўқувчиси.

бу одатни икки ёшлигиданоқ биларди. Уч ёшида ҳарфларни урганган, тўрт ярим ёшида 1-синфга борган. Ҳозир ҳам мактабдан келиб, ойисига салом берди-да, овқатланиб бўлгач, ойнаи жаҳон орқали бериладиган «Инглиз тилини урганамиз» курсатуви борлигини билиб, телевизорни қўйди. Мана шу курсатув орқали Алишер инглиз тилини мустақил ургана бошлади. Амакиси Норимжон эса ҳар келганида инглиз тилидан ўқув қўлланмалар олиб келар, ёзги таътилда эса жиянига инглиз тилидан сабоқ берарди. Шу туфайли ҳам Алишер Норим амакисини ўзининг инглиз тилидаги «устози» деб билади.

Кечкурун дастурхон атрофида оила аъзолари: Ибодат опа,

Туробжон ака, Алишер, укалари Ганишер, Жаҳонгир, Сиевуш — барчалари тупланишганда Алишер уйлаб-уйлаб бу саволни секингина ўзининг меҳрибон, сеvimли дада-жонисига айтди:

— Дада, инглиз тилини кунт билан ургансам, Тошкентга ўқишга бораманми?

— Албатта, ўғлим, «Садафга уралганлар дур бўлади, илмга уралганлар нур бўлади». Агар чиндан ҳам бу гапинг рост бўлса астойдил ўқи, излан, урган.

Йиллар утиб Алишер Республикада ягона бўлган 309-Шарқ тиллари лицейига 8-синфдан бошлаб ўқишга қабул қилинди.

Қизиқ, ушанда ҳам ёшнинг кичкина экан, деб лицей директори Шоира опа Ерназарова

Аълочи

хузурига олиб киришди. Алишер инглиз тилида опа билан ярим соат гаплашиб, билимга чанқоқ эканлигини исботлади.

Алишер ҳамма болалар каби турли уйинларга эмас, аксинча, китобларга меҳр қўйди. Гуёки, унинг бу мурғак қалбига билимлар битмас-туганмас дунё сочгандек.

Фақат баъзан Алишер онасини соғинади. Ахир улар Алишердан узоқда. Ургутда туришади-да.

Билимли инсон учун жаҳон кенг, чунки у илм чироғи билан узоқларни кураверади. Бу гапларда Алишердек болаларнинг орзулари ушалажак кўнлари яшайтгандек...

Маъмура МАДРАҲИМОВА.



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Утган ҳафта жума куни улкамизда Қурбон ҳайити байрами кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовни АҚШ Президенти Билл Клинтон, шунингдек, Уммон Султони Қобус бин Саид, Гамбия Республикасининг Президенти Яҳе Жамме сингари жаҳоннинг кўзга қўринган йирик давлат арбоблари шу муқаддас айём муносабати билан самимий қўтлаб, халқимизга энг эзгу тилаklarини билдирдилар.

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ташкил этган «Она тилим — жону дилим» шиори остидаги «Ўзбек тили» доимий анжуманининг туртинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда республикаимизнинг барча вилоятларидан келган ўқитувчилар, тарбиячи, олим ва мутахассислар турли мавзуларда фикр алмашдилар.

ЯНГИЛИКЛАР МУЗЕЙИ

Азиз ўқувчилар, янгиликдан хабарингиз борми? АҚШда жаҳонда биринчи марта «Янгиликлар музейи» очилган. Унда дунё журналистикасининг кечаси ва эртаси акс этган бўлади.

БАЙНАЛМИЛАЛ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда фаолият курсатаётган миллий маданий марказлар республикаимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, миллий маданиятларни ривожлантириш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Куни кеча Тошкентда республика байналмилал маданий маркази янги мажмуининг очилиши мамлакатимиз ҳукуматининг миллий маданий марказларнинг самарали иш олиб бориши турисидан ғамхўрлик қилаётганининг ёрқин намунаси.



Суратни Нуробод шаҳридаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шухрат МАРДОНОВ олган.

*Шойи ҳаволарда учар афсона,
Қоқиғул баргида титраётир байт,
Сен унга энг гўзал қўнлар ваъда қил,
Сен унга энг гўзал эртаклардан айт,*

*Баҳор, сенга ўхшар асли болалик
Балки, хаёлингдир нафис қизғалдоқ?
Тикилгин, у сенга жуда ўхшайди,
Кўзларида Ватан қулган қизалоқ!*

КАМОЛОТ

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармасини ташкил этиш турисида»ги Фармони мамлакат ёшларига курсатилаётган ғамхурликнинг ёрқин намоёниши бўлган эди.


Мана, орадан бир йил ўтди. Мазкур Фармон нақадар муҳим эканлигини англаб етдимиз.

Ҳозирги кунда «Камолот» жамғармасининг 14 вилоят, 224 шаҳар ва туман бўлимлари тuzилган. Улар қoшида 12 мингга яқин жамоатчилик марказлари ишлаб турибди.

КАМЛАНИ, БУЛБУЛАР!

Ховостлик Дилшод Каттабеков, Акмал Икромов туманидаги «Орзу» болалар боғчаси «гунча»лари, Собир Раҳимов туманидан Шоҳсанам Ҳолиқовалар санъат оламининг камолот пиллапояларида туришибди.

Улар «Ўзбекистон — Ватаним маним» курик-танловининг булбуллари.



МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Ноила УСМОНОВА — Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг 10-синф ўқувчиси;

Нодира АҲМЕДОВА — Тошкент шаҳридаги 100-мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси;

Нурбек ОСТОНОВ — Нуробод туманидаги 57-мактабнинг 9-«Б» синф ўқувчиси;

Шерхон МУХТОРОВ — Самарқанд шаҳридаги 13-мактабнинг 9-«В» синф ўқувчиси;

Одина АҲМЕДОВА — Хужабод туманидаги молия иқтисоди коллежи ўқувчиси;

Музаффар НЕЪМАТЖОНОВ — Андижон шаҳридаги 2-гимназиянинг 10-«А» синф ўқувчиси;

Фаррух РАШИДОВ — Ғузор туманидаги А. Ҳайдаров номли лицейнинг 10-«А» синф ўқувчиси;

Нодира РАУПОВА — Шаҳрисабз туманидаги мактаб ўқувчиси;

Нилуфар МАЪМУРОВА — Бухоро туманидаги 49-мактабнинг 9-«А» синф ўқувчиси;

Юлдуз РАҲИМОВА — Гурлан туманидаги 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси;

Феруза РАҲИМОВА — Урганчдаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси;

Шерзод ЧОРИЕВ — Жарқурғондаги 1-мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси;

Хуршид БОБОЕВ — Навоий шаҳридаги лицейнинг 10-«А» синф ўқувчиси;

Дилфуза МИРЗААҲМЕДОВА — Бустонлик туманидаги 12-мактабнинг 9-«А» синф ўқувчиси.

МАСЪУЛИЯТ

«Камолот» жамғармаси ижтимоий масалалари, соғломлаштириш ва меҳнатда бандлик муаммоларни урганиб, вазирликлар, давлат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор муассасалар билан ҳамкорликда махсус дастурлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ёшларни иш билан банд қилиш, уларни бозор муносабатлари талабларига мос фаолият билан шуғулланишларига кўмаклашиш мақсадида республикаимиз ҳудудида ўтказилган Меҳнат ярмаркалари ҳафталикларида 28 мингга яқин йигит-қизлар иш билан таъминланди. Икки мингга яқин ёшлар эса ўқув-юртларига йўланмалар олишди.

«Камолот» бугунда ҳам энг долзарб ва масъулиятли вазифаларидан бири — мамлакатимиз келажаги бўлган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига бош-қош бўлмоқдир. Хусусан, мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишлаб «умумхалқ аскарлар қуши» фестивали, ҳарбий қисмларда «Истиқлол» байрам дастури, ҳарбий спорт тадбирлари ўтказилди. Бу тадбир анъанага айланиб қолишига ишонамиз.

Яқинда Андижон педагогика билим юрти билан буз педагогика билим юртларининг узаро ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди. Унда бўлғуси педагоглар Ватанимиз тарихи, Амир Темур ҳаёти ва унинг тузуклари, мустақилликнинг бугунги болалар тасаввуридидаги эътирофи, халқ ҳаётидаги нурбахшлиги, шунингдек эр-

мизни чуқурроқ ўрганишларида бундай учрашувлар, танловлар, беллашувларнинг аҳамияти катта экани неча бор синаб қурилди. Муҳими бундай ишларни вилоят «Камолот» ёшлар ташкилоти ташаббускор ва ҳомий бўлиб ўтказмоқда. Яхши-да, юқорида айтган педагогика билим юртларининг ўқувчилари асосан боғча ва бошланғич синфлар болалари билан ишлайдилар. Демак, улар қанча билимдон, моҳир бўлса-

ишини ҳам яхши йўлга қўйиш зарур. «Камолот» жамғармаси бу борада ҳам эзгу ишларни аллақачон бошлаган. Йилнинг бошида вилоятнинг ҳар бир туманида «Энг яхши ёш кутубхоначи» танловлари ўтказилди. Унда қишлоқ ва жамоа ҳужаликлари кутубхоналарининг ёш ходимлари куч синашдилар. «Камолот» таъсис этган совринларни олиш осон бўлмади. Энг сара, энг қобилиятлилар голиб бўлидилар. Энди улар вилоят ми-

«КАМОЛОТ» НИНГ ЯНА БИР ЯХШИ ИШИ

кин мавзудаги бадиий чиқишларини намоёниш этдилар.

Бундай тадбирлар эса Андижонда биринчи эмас. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда, уларнинг билим савияларини оширишда, тарихимизни, миллий қадриятлари-

лар шунча яхши. Халқнинг маънавий бутунлигига эришувида асосан болаликдан бошланган билим ва тарбия алоҳида урин тутати. Ҳар бир бола китобхон, мутолаага қизиққан бўлса шунча мақсадга осон эришилади. Демак, кутубхоналар

қесидаги курик танловда қатнашадилар. Шубҳасиз бу танловда ҳам «Камолот» ўзи бош-қош бўлади. Чунки мақсад битта: Ёш авлодни ҳар томонлама етук, билимдон қилиб тарбиялашга ҳисса қўшиш.

«Камолот»нинг яна бир яхши иши, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият бошқармаси, вилоят Бобур жамғармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликни доимийга йўлга қўйиб олди. Демак, адабиёт борасида ҳам, санъат борасида ҳам, илмий, бадиий ижод борасида ҳам болалар ва ёшлар ҳаётига тенгдан аралашиб турибди.

Мана бу йил юртнинг хассос шоири, Андижоннинг ажойиб ўғли, қатагон йилларида қурбон бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чулпоннинг 100 йилик юбилеи бўлади. «Камолот»чилар бунга жуда катта режалар билан киришдилар. Шу кунда ҳар бир боғчада, мактабларда, ҳунар билим юртларида чулпонхонлик тадбирлари бошланиб кетди. Мушоиралар, учрашувлар, адабий кечалар ўтказилмоқда. Навруз кuni вилоятдаги барча ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари иккита-иккитадан бўлиниб Чулпон ҳаёти ва ижодига бағишланган «Қувноқлар ва зукколар» беллашувини ўтказдилар. То мустақиллик кунига, яъни иккита голиб қолгунича бир неча босқичда бўлади бу беллашувлар. Охириги босқичга етган икки голиб эса мустақилликнинг олти йиллик байрами кунинда бир бирови билан куч синашадилар.

Шу уринда «Камолот»нинг яна бир қувонарли ишини айтиб ўтмоқчиман. Маълумки маънавий ўқун ҳаракат энг аввало адабиёт ва санъатга, матбуотга муносабатда яққол қуринади. Буни яхши билган «Камолот» ёшларнинг «Туркистон» газетасида вилоят ёшлари ҳаётини мунтазам ёритилиб боришига эришиш мақсадида унинг вилоят бўйича муҳбирини ўз ходими сифатида маош билан таъминламоқда. Бундай яхши фактлар, яхши билдирувлар эса «Камолот» фаолиятида кўп. Биттагина мақолада уларнинг барчаси ҳақида айтиш имкони ҳам йўқ. Мен бу езмаларда махсус исм фамилиялар ҳам келтирмадим. Зеро улар кўп. Вилоят ташкилоти, бундан ташқари мавжуд 19 та туман ва шаҳар ташкилотларида шундай ўт олов, ташаббускор ёшлар ишланяптики, уларнинг ҳаммаси мақтовга лойиқ. Қолаверса бутун республикаимиз «Камолот»чилари бу борада бир-биридан қолишмай иш олиб бормоқдалар. «Камолот» жамғармасининг ташкил этилганига бор йўғи бир йил бўлди. Аммо шу қисқа вақт ичида жамғарма ёшларнинг ҳақиқий жонқуярига, ёшларнинг энг яқин дустига айланиб қолди.

Олдаги йилларда улардан яна ҳам яхши, эзгу фаолият кутиш мумкин.

Замира РЎЗИЕВА.



«СОҒ ТАНДА...»

Ёшлар соғлигига қайғуриш ва оммавий спортга жалб этиш жамғарма фаоллари диққат марказида. Жумладан, Хоразм ва Жиззах вилоятларида «Футбол гунча»лари турнири, кикбоксинг бўйича Марказий Осиё очик биринчилигида Ўзбекистон терма жамоасининг иштироки жамғарма ҳомийлигида бўлди.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабз—Тошкент йуналиши бўйича кўп кунлик Супермара-

фон ўтказилди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг қутлуг санасига бағишланиб жамғарманиннг туман ва шаҳар бўлимлари, жамоатчилик марказларида ёшлар иштирокида «Темур тузуклари», «Амир Темур ҳаёти ва фаолияти» каби тадбирлар амалга оширилди. «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедицияси ташкил этилди. Экспедиция фаолиятини ёритувчи 20 қисмдан иборат ҳужжатли фильм суратга олинди.



ТАШҚИЛ

Жамғармада Республика Халқ таълими вазирлигининг «Истеъдод» маркази билан ҳамкорликда анжуман ўтказилди ва Республикаимиз бўйича 480 нафар ўқувчи иқтидорли деб тан олинди. Энди уларга қандай ёрдам кўрсатилади?

Истеъдод маркази ходими С. Қодирова:

— Уларнинг ҳаммаси узла-


ри хоҳлаган соҳа бўйича махсус лицейларда илм олишни давом эттиришлари мумкин. «Камолот» эса уларни ҳар доим қўллаб-қувватлайди.

Улар «Камолот» қалдирғочлари, ортидан Ватанимизнинг юзлаб ва минглаб болалари эргашади. Бугунги эътибор — олдиндан билдирилган ишончдир.

Саҳифа материалларини Мухтор БЕК тайёрлади.

Қадрли болалар! Этибор бераётган бўлсангиз, транспорт воситалари йўлдан-йўлга кўпайиб бормоқда. Шу туфайли йўлларда рўй бераётган йўл-транспорт ҳодисалари сони ҳам ортиб бормоқда. Болалар иштирокида содир бўлаётган ҳар уч бахтсиз ҳодисадан биттаси тенгдошларингизнинг йўлдан ўтиш қондасини билмасликлари, қондага риоя қилмасликлари ёки шошқалоқлик қилишлари сабаблидир.

Биз бу саҳифада сизларга йўлдан ўтишда қандай қондаларга риоя қилишингиз зарурлигини яна бир бор эслатиб ва тушунтириб қўйишни лозим топдик.




МАХСУС БЕЛГИЛАНГАН ЖОЙДАН ЎТИШ

Пиедалар йўл ёқасида 5.16.1 ёки 5.16.2 йўл белгиси урнатилган ва куча юзига ўтиш жойини билдирувчи чизиқ чизилган махсус жойдан ўтсалар ҳаётлари хавф остида қолмайди. Чунки бундай жойлар асосан йўлнинг пиедалар энг кўп ўтадиган жойлар, завод, фабрика, мактаб, боғча ёки бошқа ташкилотлар, чорраҳалар олдида белгиланади. Шунингдек йўлда келаётган транспорт воситалари ҳайдовчиларини 150-300 метр олдиндан огоҳлантириш учун 1.20 ёки 1.21 йўл белгиси урнатилган бўлади. Ҳайдовчилар бу йўл белгиларини кўргач, йўлда пиедалар ўтадиган жой бор экан, деб тезликни камайтириб, ҳушёрликларини ошириб, зарур бўлганда транспортни тўхтатиш чорасини куриб келадилар.

ЕР ОСТИ ЙЎЛИДАН ЎТИШ

Пиедалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўпгина шаҳарларда айниқса пойтахтимиз Тошкентда ер остидан ўтиш йўллари (тоннеллар) қурилган. Бундай жойларда йўл ёқасига 5.17.1 ёки 5.17.2 йўл белгиси урнатилган ва йўл чеккасига тусиқлар қўйилган бўлади. Барча пиедаларга ана шу ер остидан ўтиш жойидан юришларини тавсия этилади. Чунки пиедалар биринчидан йўл юзидан бораётган транспорт воситаларининг ҳаракатига ҳалақит қилмайдилар, иккинчидан эса уз ҳаётларини хавф остида қолдирмайдилар.



Газетамизнинг 12 март сонидан берилган саволларга жавоблар

1. Пиедалар йўлнинг 5.16.1 ёки 5.16.2 белгиси урнатилган ҳамда куча юзига чизиқлар билан белгиланган махсус ўтиш жойидан, ер ости йўли (тоннел)дан, пиедалар ҳаракатини тартибга солишчи ёки уч чироқли светофор урнатилган жойдан, ҳаракатни автонazorатчи тартибга солиб турган жойдан хавфсиз ўтишлари мумкин.
2. Чорраҳадан ўтаётганда уч чироқли светофорнинг қизил чироғи ёнганда тўхтаб туришлари, сариқ чироғида кутиб туришлари, яшил чироғи ёнганда юришлари лозим.
3. Йўловчилар автобус, троллейбус, трамвай ва таксиларни фақат тўхтаб жойлари — бекатларда улар бўлмаган тақдирда йўл ёқасида эҳтиёт бўлиб кутиб туришлари ва чиқиб туришлари лозим.
4. Болалар уйларида, мактаб, боғча ҳовлиларида ёки махсус болалар майдончаларида ўйнашлари мумкин.
5. Ёш болаларни ота-оналар ёки катталар назоратисиз аравача, машинача судраб кучага чиқишлари мумкин эмас.

СВЕТОФОР ЧИРОҚЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИБ ЎТИШ

Йўлдан ўтиш жойида йўл ёқасига пиедалар ҳаракатини тартибга солишчи светофор урнатилган бўлса, у ҳолда пиедалар юқоридаги қизил рангли чироғи ёниб «тўхтаб» ёзуви ёки тўхтаб турган пиедаларнинг расми кўринса тўхтаб туришлари зарур. Светофорнинг пастдан яшил чироғи ёниб ундаги «Юринг» деган ёзуви ёки юриб бораётган пиедаларнинг расми кўринса йўлдан ўтавериш мумкин.

Агар чорраҳада уч чироқли светофор ишлаб турган, у ҳолда қизил чироғида тўхтаб туриш, сариқ чироғида кутиш, яшил чироғида йўлдан ўтиш лозим.

ҲАРАКАТНИ АВТОНАЗОРАТЧИ ТАРТИБГА СОЛАЁТГАН БЎЛСА...

Автонazorатчининг олд, кўрак ёки орқа томон билан турган бўлса пиедалар йўл четидан тўхтаб турадилар.

Автонazorатчи жезли тиккага кўтарганда пиедалар ўтишга ҳозирлик қўрадилар. Автонazorатчи бурилиб чап ёки елка томонини қаратса, у ҳолда пиедалар йўлдан ўтаверишлари мумкин бўлади.

Автонazorатчи унғ қўлини олд томонга тўғри узатганда, у ҳолда чап елка томондан келаётган тўғрига ва орқада кутиб турган пиедалар унғ қўл йўналиши билан йўлдан ўтаверишлари мумкин.

ҲАРАКАТ ТАРТИБГА СОЛИНМАГАН ЖОЙЛАРДА

Йўл белгиси светофор урна-

тилмаган, махсус ўтиш, ер ости йўли бўлмаган жойлардан ўтишда йўлнинг ҳар икки томондан яқинлашаётган автомобиллар қўрилиб турадиган жой танланади. Сўнгра йўл четига келиб тўхтаб аввал чап томонга қаралади. Яқинлашаётган автомобиль қўринмагач, аста юриб йўлнинг ўртасига бориб тўхталади, сўнгра унғ томонга қаралади, у ёқдан ҳам транспорт келмаётганлигига ишонч ҳосил қилгач, йўлнинг нариги томонига ўтиб олинади.

ТЎХТАБ ТУРГАН ТРАНСПОРТЛАРНИ АЙЛАНИБ ЎТИШ

Бекатларда тўхтаб турган автобус ва троллейбусларнинг унғ томонидаги олдинги эшигидан ўтиш ёки орқа томонидан ўтилади. Чунки орқа томонидан бекатга яқинлашаётган транспорт воситалари йўлдан ўтиб бораётган пиедани қўриб, ҳушёр тортиб келади. Йўлдан ўтмоқчи бўлаётган пиеда ҳам унғ чап томонидан транспорт воситаси яқинлашаётганини қўриб эҳтиёт бўлади. Шу тарзда хавфхатарнинг олди олинади.


ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ОЛДИДАН ЎТИШНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Пиедаларга яқинлашиб келаётган транспорт воситаларини аввал ўтказиб бориб, сўнгра

ҚИЗИҚАРЛИ САВОЛЛАР

1. Саф-саф (колонна) бўлиб бораётган ўқувчилар йўлда қандай ҳаракат қилишлари зарур?
2. Йўловчи болалар автобус, троллейбус ёки трамвай салонларида ўзларини қандай тўтмоқлари лозим ва қандай қондаларга риоя қилишлари керак?
3. Бир тўда болаларни йўлдан хавф-хатарсиз ўтказиш учун қандай қондаларга риоя қилиш зарур?
4. Сурагиларга изох беринг.

СВЕТОФОР



йўлдан ўтишга рухсат этилади. Чунки, ҳеч ким транспорт воситасини қандай тезликда ва қанча ораликда келаётганлигини тезда пайқай олмайди. Ундан ташқари ҳайдовчи йўлдан ўтаётган пиедани қўриб келаяптими ёки йўқми, шунингдек, яқинлашаётган транспорт воситасини тормозланиш қисми яхши ишлайдими йўқми? Шу каби ноаниқликлар сабабли йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериши мумкин. Таваккал ёки шошқалоқлик қилиб йўлдан ўтаётган пиеда транспорт воситасининг гилдираги остида қолиши мумкин.

Яна бир хавфсизлиги шундаки, яқинлашиб қолган транспорт воситаси ҳайдовчиси тўсатдан йўлдан ўтаётган пиедани кўрганда тўхтатиш учун тормоз босганда транспорт воситаси қўйилгича масофа юриб тўхташи мумкин.

Енгил автомобилларнинг тормоз йўли -16.2 метр.

Автобуслар учун -21.2 метр. Юк автомобиллар учун -23,0 метр.

Икки гилдиракли мотоцикл ва мопедлар учун 7,5 метр.

Масалан: Ҳайдовчи тормоз босганда яқинлашиб келаётган мотоцикл билан йўлдан ўтаётган пиеданинг оралиғи камида 8-10 метр бўлиши керак. Шундагина мотоцикл пиедани босиб кетмаслиги мумкин. Агар оралик 7.2 метр бўлса ҳам пиедани босиб кетиши мумкин. Бу масофа оби-ҳаво ёғиб турган йўл юзи ҳўл ёки қор, муз қопланган бўлса, ҳайдовчилар ҳар қандай тормоз босганда ҳам транспорт воситасини тўхтатиб бўлмайди.

Шунинг учун барча пиедаларга йўлдан ўтишда яқинлашаётган транспорт воситасини олдиндан ўтиш ҳаёт учун жуда хавфли эканлигини яна бир бор ўқтираемиз.


МАКТАБ ВА БОШҚА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ОЛДИДАН ЎТИШ

Мактаб, боғча, ўқувчилар саройлари, ёш техниклар ва ёш табиатшунослар станциялари, кинотеатр, қўғирчоқ театри ва

бошқа муассасалар болаларнинг энг кўп буладиган жойи ҳисобланади.

Бундай ташкилотлар олдида эртадан кечгача болалар ҳаракати узилмайди ва тинмайди. Шундай экан, бундай бинолар олдида, автонazorатчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, ҳаракатнинг ёш автонazorатчиларининг мунтазам равишда навбатчилигини ташкил этмоқ зарур. Бундай навбатчилик ташкил этилмаса, ҳар кун ҳар дақиқада болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериши мумкин.

Саҳифани Тошкент шаҳар Давлат автомобил назорати Бошқармасининг автонazorатчиси, милиция катта лейтенанти Шўхратжон ЭРҒАШЕВ тайёрлади.



Мактаблардан

«Тонг юлдузи»да эълон қилинаётган йўл ҳаракати қондасига оид саволларга ким тез ва тўғри жавоб топиш уйнадик. Сўнгра синфимиз ўқувчилари икки командага бўлинди. Унинг биттасига «Волга», иккинчисига «Чайка» деб ном қўйди. Тез ва тўғри жавоб топиш мусобақасида «Чайка» командаси ўз билимдонлигини курсатиб голиб чиқди.

Акмалжон АБДУРАҲМОНОВ, Зангиота туманидаги 43-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

Яқинда бўлиб ўтган тарбиявий соатда синф раҳбаримиз Озодахон опа Сирожи-динова уйдан мактабгача бўлган йўлларда транспорт воситаларидан қандай сақланиш мумкинлигини ўргатдилар. Ўқувчининг кундалик ҳаракат йўналиши чизмасида йўл четидан, тротуарлардан қандай юриш кераклигини, кучанин қандай жойларидан ўтиш мумкинлигини курсатиб тушунтирдилар. Сўнгра йўл белгилари ҳамда светофор чироқларига риоя қилиш зарурлигини ҳам билиб олди. Машгулот охирида Озода опамлар ҳар биримизга уйдан

мактабгача бўлган йўлларнинг чизмасини чизиб келишни топширдилар.

Санжар ИНОҒОМОВ, Янгийўл туманидаги 2-мактабнинг 4-синф ўқувчиси.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Юнусобод тумани 271-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Дилдора Юсуповани кундузи соат 11 ларда кучани ўтиш мумкин бўлмаган жойидан ўтиб бораётганида яқин келиб қолган машина уриб юборди.

Собир Раҳимов туманидаги 1-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Гузал Аҳмаджоновани ҳам кундузи соат 12 ларда Беруний кучасида машина уриб юборди. У ҳам йўл қондасини бузганди.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Болалар тарбияси, уларнинг ҳаёти ва тақдири учун маъсул бўлган ташкилотлар, шахслар ҳамда ота-оналар, ёшлар ташкилотлари, жамоатчиликнинг ҳар бир онгли ва виждонли кишиси болалар ҳаётини сақлашдек умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур.

Ўзбекистон

Куксидаги табаррук туг,
Синоатга, сирга тулуг,
Муҳаббати, ишқи улуг —
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Тарихи зарварақлидир,
Гоҳ зулмат, гоҳ чироқлидир,
Шашмақомли, сегоҳлидир,
Шеър битилган япроқлидир —
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Амир Темур тиклаган синч,
Бобуршоҳда кетган илинж,
Фурқат битган дардли утинч,
Утли куз ёш, утли севинч —
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Ҳар нияти тоза, эзгу,
Адолат акс этган кўзгу,
Энг илоҳий буюк сўз у,
Замирага жон у, ўз у,
Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Сен, Ватан

Бог ичра кўкларлар
юз очди қат-қат,
Барглариға ёмғир яйрар ёзиб хат,
Улғайиб кетади кўнгил, руҳият,
Ошиғи сарафроз бу сирли
хилқат —
Сенсан, Ватан.

Кун-тун ичга томган кўз ёш ариди,
Тил-жағи бойланган
бардош қариди,



«Ўзбекистон — Ватаним маним»
қўшиқлар танловига

Нурга орзиққаннинг қуёш ёридир,
Офтобга суяниб тиклаётган қад —
Сенсан, Ватан.

Қадим битикларнинг синоатидан,
Сунмаган эътиқод ибодатидан,
Аршга етган дуо ижобатидан,
Юзин райҳон елпиб
уйғонган миллат —
Сенсан, Ватан.

Дарахтзорда, гулда,
туқ мағизда сўз,
Қизча лабин ушган чанқовузда сўз,

Қайтган муҳожирнинг жон
бугзида сўз,
Буюк муҳаббатдан яралган
жаннат —
Сенсан, Ватан.

Ҳар угли Алпомиш,
ҳар қизи Барчин,
Жондан қиммат билган
фарзандлик бурчин,
Шу бурч омон юрса,
топган эрки чин,
Қуёш ардоқлаган улуг
мамлакат —
Сенсан, Ватан.

Замира РЎЗИЕВА.

Республикаимиз мактаблари-
даги иқтидорли ўқувчилар-
нинг булиб ўтган курик тан-
ловида иштирок этган тенг-
дошлар бир-бирлари билан та-
нишиб исмларини қуйидаги-
ча баён этдилар.

БИРИНЧИ УСМИР :—
Исмим ўзбек халқи эртаги
қахрамонига номдош. Шунин-
гдек, уни улуг бобокалон
шоиримиз Мир Алишер На-
воий таваллуд топган шаҳар
номидаги ҳарфлар ўрнини ал-
маштириб ҳам билиб олиш
мумкин.

ИККИНЧИ УСМИР :—
Менинг исмим Соҳибқирон
Амир Темурнинг фарзанди ис-
мига адаш. Шунинг шахмат
уйини доналаридан бири ва
рангли металл номларини қу-
шиб ўқиш билан ҳам ҳосил
қилса бўлади.

УЧИНЧИ УСМИР :— Ме-

нинг исмим эса, Булғория
республикасидаги дунёга маш-
хур курорт шаҳар ёки Болтик
денгизига қуйилувчи дарё но-
мидаги ҳарфлар ўрнини ал-
маштириб ўқилса келиб чиқа-

БЕШИНЧИ УСМИР :—
Менинг исмимни эса Олмо-
ния мамлақати пул бирлиги-
ни тескарисига, яъни ўнгдан
чапга ўқиш билан ҳосил қил-
са бўлади.

ТЕНГДОШЛАР
ИСМИ

ди. Шунингдек, мен устоз
ёзувчи Абдулла Қодирий ро-
мани қахрамонига адашлим-
дан фахрланаман.

ТУРТИНЧИ УСМИР :—
Исмимни республикаимиздаги
Туркистон тизма тоғларини-
нг шимоли-ғарбий ён-бағрида
жойлашган хушманзара мас-
кан, тоғ-ўрмон қуриқхонаси
номидаги ҳарфлар ўрнини ал-
маштириб билиб олиш мум-
кин.

ОЛТИНЧИ УСМИР :—
Исмимни математик теорема-
нинг тўғрилигини тасдиқлов-
чи иборадаги ҳарфлар ўрнини
алмаштириб билиб олиш мум-
кин. Яна бир ўзига ҳослиги,
бу сўздаги ҳарфларни ўз мақ-
сади йулида оғишмайдиган
маънодаги яна бир исмга
айлантириш мумкин.

Ўз навбатида даврадаги қиз-
лар ҳам буш келишмади.

Бўш ўтирма


БИРИНЧИ ҚИЗ :— Ис-
мимни қардош қирғиз халқи-
нинг минг йиллик тарихга
эга бўлган эпоси номини тес-
карисига, яъни ўнгдан чапга
ўқиш билан билиб олиш мум-
кин.

ИККИНЧИ ҚИЗ сўз олиб:
— Менинг исмим эса айлана
сирти ёки ахборотнинг тех-
ник воситаси атамаларидаги
ҳарфлар ўрни алмаштирилса
ҳосил бўлади.

Шу йусинда ўқувчи тенг-
дошлар бир-бирларининг
исмларини топқирлик бил-
ан билиб олдилар.

Сиз ҳам юқорида таъриф-
лаган сўзларни топиб, шу
асосда ҳар бир тенгдошни-
нг исмини айтиб беринг-
чи.


Фозилжон ОРИПОВ
тайёрлаган.



Чумоли :— Ёз бўйи
йиғаман, қишда бемалол
яшайман.

Шу йил 5 апрелдаги
«Бошқотирма»нинг жа-
воблари:

1. Қиш. Қуш. Туш. Туз. Куз.
2. Муз. Буз. Сўз. Сут. Сув.
3. Чул. Қул. Қол. Бол. Бог.



Асал ейиш ширин-а. Лекин 1 кг. асал йиғиш учун асалари
300 мингта гулгунчага «шўнғишини» биласизми?

ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА

(Боши ўтган сонларда)

Неварамнинг ҳозирги ҳолатини бир
томоша қилсангиз. Кўзлари чақнаб кет-
ди, менга шу қадар мамнунлик билан
боқди-ки, келиб бўйнимга осилиб ол-
ди, у юзимдан, бу юзимдан ўтди. Бу-
вижониси менга ғалати қараш қилди,
«қаердаги йўқ гапларни топдингиз» де-
гандек. Лекин мақсадга эришгандик,
муроса йулини топгандик.

ҚУШИҚНИНГ ТУҒИЛИШИ

Шундай қилиб, эндиликда Олатой
биз билан бирга уйда яшайдиган бўл-
ди. Айтинг-айтинг, бизни уялтириб қуя-
диган иш қилиб қўямасин-да, тагин.
Ватдага биноан, уни ҳар кун бир-икки
сафар оёқ-қўлларини, юз-кўзларини
илик сувда юваман. Унга атаб битта
эски сочиқ ҳам тутдик. Равоннинг бир
четига, эшикдан кираверишдаги жойга
картон қозондан дастурхон ёзиб, ўша —
Олатойга тутилган ликопчани, унинг
енига пластмассадан ясалган пиелани
қўйиб қўйдик.

Қизиқ, айтсам сиз ҳам ё куласиз,
ёки бўлмаган гап дейишингиз мумкин.
Олатойнинг кўнгли ута нозик экан.
Кечкурун овқат қолдиги қолган ли-

копчага эрталаб емиш ташласак,
шундай бир ҳиллайди-ю, лабини
ҳам теккизмайди. Ҳар сафарги
емишдан сўнг ликопчани албатта
ювиш керак. Бу ҳақида гапирган-
нимда:

— Вой, вой кўнглимнинг куча-
сига... деган эканлар, ордона қоли-
нг, энди сизники бормиди, узин-
гиз бир мушук бўлсангиз, сизга
ким қўйибди озода-сассиқликни.

— Бувижон, бу оддий мушук-
мас, — эътироз билдиради Жам-
шидхон.

— Булмаса қанақа мушук?
— Бу-чи, бувижон — Олатой!
Узимнинг ақллим!

— Тўғри қилади, Олатой, —
секин пича кerosин сепаман. —
Баъзи кимсалар урганса арзийди
озодагарчиликни Олатойдан.

— Ҳаҳ, узимам нега бу киши
индамай қараб утирибди, деб
уйловдим-а. Менга деса, бошин-
гизда кутариб юринглар. Тоза сиз-
ларга гап топилди-ку...

Шундай қилиб, менинг зим-
мамга Олатойнинг ликопчасини
ювиб-тозалаш вазифаси ҳам юк-
ланди. Қандай қилай, бажарамиз-
да.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

Олатой овқатини ейди, сув-
дан ичади, сўнг гул туваклар
қўйиладиган тахтачага чиқиб,
узини офтобга солиб ётади. Уйда
невараларим бўлмаган пайтлар-
да қачон қараманг, ўша ерда
мудраётган ёки тош қотиб ух-
лаб ётган бўлади.

— Ҳой, буни қаранг, мана
сиз бошлаган ишнинг оқибати,
— бу сафар оппоқ ойингизнинг
овози пича баландроқ эшитил-
гандай бўлди. «Оббо, тагин ни-
ма гап бўлди экан» деган ҳаёлда
у кишига юзландим.

— Ҳа, ойиси, тинчликми? —
деб сурайман.

— Қаёқдаги йўқ ишларни
қилиб юрасиз, сиздан неварала-
рингизга ҳам утаяпти. Буни қар-
анг, мана бунингиз (у кичик
неварамни курсатди), бошим-
ни юварман деган ниятда олиб
келган шампунимга мушунини
чумилтирибди.

Қарасам, иш чатоқ. Дарров
узр сурадик.

(Давоми бор)

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТЕУОТ ҚЎМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Исфандиёр
ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0225.
11960 нусxada босилди.
Қозғоз бичими — А-3.
Босишга топилиш вақти 19.00
Топирилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
- Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
- Нашр курсаткичи: № 64563
- Телефон:
• 33-44-25